



IMFAKTOR
PAGES

ISSN: 2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК

ФЕВРАЛЬ, 2023

2-СОН

ТАДЖИҚОТЛАР



PEDAGOGICAL AND
PSYCHOLOGICAL STUDIES

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ



ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

**ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАР**
I-ЖИЛД, 2-СОН

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ-I, НОМЕР-2

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES
VOLUME-I, ISSUE-2

ТОШКЕНТ - 2023

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES
№ 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4066-2023-2>

Бош мұхаррир:

Нишонова З.

– психология фанлари доктори, профессор

Масъул мұхаррир:

Давлатов О. F.

– педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Таҳририят аъзолари:

Абдужаббарова М.

– педагогика фанлари номзоди, доцент

Абдураҳимов Қ.

– психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Акмалов А.

– педагогика фанлари номзоди, доценти

Акрамова Ш.

– педагогика фанлари доктори, профессор

Юсупова Х. И.

– педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Джураев Д.

– педагогика фанлари доктори

Душанов Р.

– психология фанлари номзоди, доценти

Негматовна Г.

– педагогика фанлари номзоди, доцент

Разакова Р.

– психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Тожибоева Г.

– психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Тожибоева Г.

– психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Тўйчиева С.

– психология фанлари номзоди, доцент

“Педагогик ва психологик тадқиқотлар” журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсатгичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-йй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти , 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ПЕДАГОГИКА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

Психология фанлари

ОЛИМОВ Лазиз Ярашович

Бухоро давлат университети,

“Психология ва социология” кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7640648>

ЭКСПЕРТ ПСИХОЛОГ И ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИННИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада суд психолог эксперти фаолиятида ижтимоий-психологик компетентлик омилларининг намоён этилиши ва ривожланишини тадқиқ этиш ҳамда унинг ўзига хос ижтимоий-психологик омилларини такомиллаштириш ҳақида фикр юритилиб, суд психолог эксперти ижтимоий-психологик компетентлиги ва эмоционал интеллектини ривожлантирувчи ижтимоий-психологик омиллар, компонентларини аниқлаш, суд психолог экспертидаги коммуникатив, эмоционал ва шахслик компонентларининг намоён бўлиши ва ривожланишини тадқиқ қилиш; суд психолог экспертиларининг ижтимоий-психологик компетентлигини ривожлантиришда уларнинг суд-хуқуқ тизими билан боғлиқлиги очиб берилган.

Калит сўзлар: суд психолог эксперти, ижтимоий-психологик компетентлиги, суд психологик экспертиза, касбий компетентлик, компетентлик, эксперт шахси, эмоционал интеллект, касбий фаолият.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается исследование проявления и развития факторов социально-психологической компетентности в деятельности судебного психолога и совершенствование ее конкретных социально-психологических факторов, выявление компонентов, исследование проявления и развития коммуникативных, эмоциональных и личностных компоненты судебного психолога; в развитии социально-психологической компетентности судебных психологов раскрывается их связь с правовой системой.

Ключевые слова: судебный психолог-эксперт, социально-психологическая компетентность, судебно-психологическая экспертиза, профессиональная компетентность, компетентность, личность эксперта, эмоциональный интеллект, профессиональная деятельность.

ANNOTATION

This article discusses the study of the manifestation and development of factors of socio-psychological competence in the activities of a forensic psychologist and the improvement of its specific socio-psychological factors, the identification of components, the study of the manifestation and development of communicative, emotional and personal components of a forensic psychologist; in the development of socio-psychological competence of forensic psychologists, their connection with the legal system is revealed.

Key words: forensic psychologist-expert, socio-psychological competence, forensic psychological examination, professional competence, competence, personality of an expert, emotional intelligence, professional activity.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 7-июнданги 472-сон «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда хуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласди.

Ижтимоий-психологик компетентлик билан боғлиқ манбаларни тадқиқ қилганимизда унга алоқадор бўлган таҳлиллар тадқиқотимизда суд психолог экспертининг ижтимоий-психологик компетентлиги уларнинг қасбий камолоти жараёнига боғлиқлигини яна бир жабҳадан ёритишга ундаиди. Бу эса ижтимоий-психологик компетентликни ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланмиш эмоционал интеллектнинг суд психолог эксперти фаолиятида ўзаро алоқадорликда ривожланиш жараёнини алоҳида тадқиқ қилишни талаб қиласди.

Замонавий психологияда «эмоционал интеллект» тушунчаси кенг қўлланилиб, ушбу тушунчани фанга П. Селов ва Дж. Меерлар олиб кирдилар. Муаллифларнинг фикрича, эмоционал интеллект – эмоцияни ифода этиш ва баҳолаш қобилияти; эмоцияни тушуниш ва эмоционал билимларга эгалик; қолаверса, шахснинг эмоционал ва интеллектуал камолотини ўзаро бирлаштирувчи эмоционал бошқарув қобилияти ҳисобланади. “Эмоционал интеллект” терминини фанга киритилиши билан эмоционал ва билиш жараёнларининг нисбати нуқтаи назаридан тадрижий ўзгариш юз берди.

Эмоцияларни тадқиқ қилиш кўпинча интеллект тадқиқотларидан алоҳида тарзда амалга оширилади. Шунга қарамасдан, аффектив ва когнитив (билиш) жараёнлари ўртасидаги муносабатларни тизимли таҳлил қилишнинг дастлабки уринишлари амалга оширилмоқда. Немис психологи ва файласуфи Г.Маернинг “Психологиэ дес эмотионален Денкенс”(1908) номли китобида тафаккур турларининг мукаммал таснифи келтириб ўтилган. Г.Маер “хукм қилувчи” тафаккур тури билан бирга эмоционал тафаккурни ажратиб кўрсатади, унда амалий эҳтиёжлар – ирова ва ҳис-туйғу биринчи ўринда туради. Бу тафаккур турларини бир-бирига тақкослаган Г.Маер улар ўртасидаги бир қанча умумийликларни, хусусан: ўхшаш мантикий жараёнлар қузатиш мумкинлигини таъкидлайди (шарҳлаш, объективлаштириш, категориал аппарат фаолияти). Шунга қарамасдан, эмоционал тафаккур харакатларида мантикий тафаккурдан фарқли тенденция мавжуд бўлиб: унда билиш жараёни “кўланкали, орқа фонга сурилган, дикқат маркази амалий максадга қаратилган бўлиб, унда билиш шунчаки қўшимча восита саналади”.

Г.Маер эмоционал тафаккурни аффектив (эстетик ва диний) ва иродавий турларга ажратади. Эстетик тафаккур дейилганда, “ёқади - ёқмайди” кўринишидаги мулоҳазасини ўз ичига оладиган эстетик кечинмалар тушунилади. Диний тафаккурда эса фантазиянинг эмоционал тасавурлари, эътиқод фикрлари (иррационал, аффектив ҳамда иродавий истак билан юзага келадиган “Оллоҳ мавжуд” мулоҳазаси намуна бўлади)га киритилади. Г.Маернинг тадқиқотлари гўёки тафаккурда билишга бўлган қизиқиши иккинчи даражали ҳисобланиши ҳақидаги “интеллектуал хурофотлар”ни тарқатади ва “эмоционал тафаккур” инсоннинг аклий фаолиятида аҳамиятли рол ўйнашини таъкидлаб ўтади.

1970-1980 йилларнинг охирларида келиб эмоция ва тафаккурнинг ўзаро таъсирини ўрганишга доир қизиқиши ортиб борди. Бу даврда эмоционал ва когнитив жараёнларнинг ўзаро самарали таъсири ҳақидаги қарашлар кўпина тадқиқотларда ўз исботини топди. Масалан: тафаккур реаллигига депрессиянинг таъсирини ўрганиш инсон кайфиятининг ўзгарувчанлиги ва креативликка мойилликнинг ўзаро боғлиқлиги шунингдек, эмоционал ўзини-ўзи бошқариш имкониятларини ўрганиш, кайфият ва фикр-мулоҳазани бирлаштирувчи “когнитив ҳалқа” мавжудлиги ҳақидаги гипотеза илгари сурилган эди. Бундай қарашнинг моҳияти шундаки, салбий ҳис-туйғулар негатив фикрларга олиб келади ва ўз навбатида эмоционал кечинмаларнинг тезлигини кучайтириб юборади. Қолаверса, ижобий эмоциялар позитив фикрларни фаоллаштиради. Р.Лазаруснинг когнитив концепциясида эмоцияларнинг билиш детерминацияси ҳақидаги ғоя марказий ҳисобланади.

Когнитив бавосита ифодаланишн эмоцияларнинг пайдо бўлишидаги зарур шарти сифатида баҳоланади. Р.Лазаруснинг концепциясида асосан икки та ҳолат муҳим ҳисобланади: а) моҳиятидан қатъи назар ҳар бир эмоционал реакция ўзига хос турдаги когнитив ёки баҳо функцияси б) эмоционал жавоб реакцияси қандайдир синдромни ўзида ифодалайди, унинг ҳар бир алоҳида қисми умумий реакциядаги қандайдир муҳим лаҳзани ўзида акс эттиради [Махмудова З.М., Олимов Л.Я. Psychodiagnostics. Ўқув кўлланма. “Турон замин зиё” нашриёти. Тошкент 2014. -Б. 298.].

Интеллектнинг қўплаб турдаги категоряларининг имкониятини аниқлаган Х.Гарднер 1983 йилда “intropsixik қобилиятлар” (introspeksiya – ўзини-ўзи кузатиш қобилияти) ва “шахсий қобилиятлар” деб аталувчи турли интеллектуал қобилиятларнинг мавжуд бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги фикр билдири. Гарднер дастлаб интеллектнинг етти турини ажратиб кўрсатади: визуал-маконли, вербал-лингвистик, мантиқий-математик, тана-ҳаракатли, мусиқали-ритмик, шахслараро ва ички шахсий; 1998 йилда табиий ва мавжудлик турлари қўшилди.

Ҳар бир интеллектуал қобилият ҳаёт фаолиятининг муайян соҳасида муваффақиятга эришишда муҳим ҳисобланади. Интеллектнинг ҳар бир компоненти қиммати муайян интеллектуал қобилиятларнинг ривожланишига рағбатлантирувчи ва рағбатлантирмайдиган умумий мезонлар орқали аниқланади [Олимов Л.Я. Психодиагностика ва психометрика асослари. Дарслик. “Дурдона” нашриёти. Бухоро. 2021. Б. 747].

Гарднер ҳар бир янги аниқланадиган интеллект тури (шакл)га мос келадиган мезонларни таклиф қилди. Аввало, ҳар бир интеллект шакли ўзининг белгилар тизимида эга бўлиши лозим. Шу билан бирга, у ўзининг асосий операциялари ёки функциялари тизимида таянган ҳолда далилларни олиш керак.

Гарднернинг модели янада интеграллашган, шу билан бирга, интеллект табиати ва пайдо бўлиш шаклларига бўлган фарқли қарашни амалга оширишга имкон берди. Э.Долл, Д.Векслер ва Р.Липерлар томонидан бошланган тадқиқотни Р.Стернберг давом эттиради. Натижада “реал ҳаётда юзага келадиган вазиятларга мослашиш, ўзгартириш ёки тузатиш қобилияти” сифатида белгиланган “амалий интеллект” концепцияси пайдо бўлди.

Р.Стернбергнинг назариясида интеллект шахснинг атроф-муҳитга мослашишига хизмат қилувчи информасион тизим сифатида қаралади. Триархик назариянинг асосий мазмуни қўйидагича: “Интеллектни ақлий ўз-ўзини бошқариш, бутун ҳаётни конструктив мақсадга йўналтирилган усул ёрдамида ақлий бошқариш сифатида белгилаш мумкин”. Ақлий ўз-ўзини бошқариш уч асосий элементни ўз ичига олади: атроф-муҳитга мослашиш, янги атроф-муҳит таъсирини танлаш ёки шахс билан мосмуҳитни танлаш ва атроф-муҳитни шакллантириш [Олимов Л.Я., Назаров А.М.. Хулқи ўгишган болалар психологияси. Ўқув кўлланма. “Тафаккур авлоди” нашриёти. Бухоро. 2020. -Б. 490].

Суд психолог экспертиларининг касбий камолотида социал-психологик компетентликни ривожланишида эмоционал интеллект орасидаги уйғунликни баҳолашда Н. Холл томонидан яратилган “Эмоционал интеллектни ўрганиш” методикасини танладик.. Тест натижаларининг дастлаб умумий натижалари хусусида тўхтальсак, сўнгра унинг социал интеллект билан ўзаро алоқадорликда ўрганишга ҳаракат қиласиз. А.Адлер эмоционал интеллект ҳақида тўхталаар экан, шахснинг муомалага қобилиятини ИҚ эмас, балки унинг эмоционал экваленти эмоционал интеллект (ЕҚ) энг муҳим кўрсаткичи сифатида белгилайди, деган эди.

Бугунги кунда эмоционал интеллектни характерловчи бешта асосий элементини келтириб ўтамиш:

- ўз эмоциясини билиш;
- ўз эмоциясини бошқариш;
- шахсий мотивациясини шакллантириш;
- бошқа инсонларнинг эмоциясини аниқлаш;
- ўзаро муносабатлар билан бошқариш [Олимов Л.Я., Назаров А.М.. Хулқи ўгишган болалар психологияси. Ўқув кўлланма. “Тафаккур авлоди” нашриёти. Бухоро. 2020. -Б. 490].

Суд психолог экспертларининг эмоционал интеллектининг умумий натижалари учта шкаласи бўйича юқори ва иккита шкаласи бўйича ўрта натижани қайд этмоқда. Улардаги эмоционал билимдонлик (13,73 балл) юқори даражадан ўрин эгаллаганлиги шахс кечинмаларининг чегаралари, шахслараро муносабатлардаги ҳис-туйғуларни англаш, эмоционал интеллектнинг икки томони, яъни ўзининг эмоцияларини тушуниш учун интеллектуал бошқарувга ёки аксинча касбий фаолият жараёнида креатив импульслар ва интуисияларни таъминлашда эмоцияга зарурат борлигини англаш, инсон эмоциясининг вазифалари ҳақидаги тушунчаларга, фаолият жараёнида эмоционал барқарорлик ва бекарорлик, стрессли ҳолат, депрессия ва уларни енгигб ўтиш йўлларини қидириш ҳақидаги психологик ва ҳаётий тажрибадан хабардор эканлигини кўрсатмоқда.

Айнан эмоционал совадхонлик ЕҚнинг муҳим жиҳати сифатида шахс хусусиятлари ва индивидуаллигига сингиб боради. Ўйлаймизки, Суд психолог экспертларининг эмоционал саводхонлигининг бу даражаси судга оид психологик экспертизаи жараёнида вужудга келадиган психологик бузилишлар, эмоционал зўриқишилар, Суд психолог экспертларининг ўзаро муносабатларини ҳиссий тушунишига назарий жиҳатдан етарлича тайёрлигини англатади.

ЕҚ нинг иккинчи кўрсаткичи “ўз эмоциясини бошқариш”. Бу шкала бўйича Суд психолог экспертлари ўртacha қийматни намоён этган бўлиб, унда Суд психолог экспертларининг эмоция тўғрисидаги назарий билимларини амалиётда жорий этишда бир оз ортда қолаётганликлар, қийин вазиятларга дуч келгандা эмоционал зўриқишиларга берилиши, атрофдагиларни тушунишда асабийлашишлари мумкинлигидан далолат бермоқда (12,02 балл). Бу ҳолатни ушбу касбининг машаққали меҳнати оқибатидир деб баҳолашимиз мумкин.

Эмоционал интеллектнинг яна бир муҳим функцияси бу шахснинг психик кўтаринкилигини қувватлаш, унда ўзига ишонч туйғуси ва рағбатни таъминлашдан иборатdir. Суд психолог экспертларининг мазкур йўналишдаги эмоционал жиҳатларини “ўз-ўзини рағбатлантириш” шкаласи қийматлари билан изоҳлашга тўғри келади.

“Ўз-ўзини рағбатлантириш” шкаласидаги кўрсаткичлар ўртacha даража билан чекланган (12,29 балл). Суд психолог эксперт эмоционал интеллектининг ушбу шкаласида ҳам суд психолог экспертлар бўйича улар эмоциясининг муҳим функсилари ва имкониятидан фойдаланиш ўйл ва усулларини кўрсатиш лозим бўлар экан. Таҳлил этилаётган натижалар умумий бўлганилиги боис суд психолог экспертларининг вазифалари бўйича социал психологик компетентлик билан боғлиқ ҳолати таҳлил этилаётганда янги маълумотлар билан тақдим этиш имконияти туғилар.

Агар “ўз – ўзини рағбатлантириш” шкаласи натижаларига кўра, суд психолог экспертларининг эмоционал имкониятини ўз-ўзини рағбатлантириш, тушкунликлар, руҳий зуриқишилар ва кези келгандা ютуқларга эришганда ҳамундан етарлича қониқиши олишнинг психологик усулларини билиши керак.

Аммо кейинги “эмпатия” шкаласи қийматлари анча ижобийдир (13, 09 балл). Эмпатия суд психолог экспертларининг касбий фаолиятини таъминлашнинг муҳим шартидир. Суд психолог экспертларининг ҳамкасларини ва атрофдагиларни тушунишида эмпатия муҳимдир. Амалиётда эмпатиянинг етишмаслиги турли даражадаги низоларга ва ўзаро тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатдан Суд психолог экспертлари анчагина йироқ дея оламиз.

“Ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш” шкаласи натижалари ҳам айнан эмпатияники сингари юқори қийматлидир (12,11 балл). Суд психолог экспертарининг касбий камолотига кўра шахслараро муносабатларда ўзаро тушуниш, ўзга инсонларни кечинмаларини ҳис этиш, уларга ўз муносабатини билдира олиши, вербал ва новербал хулқ-авторидаги ўзгаришиларни баҳолашга қобилиятлиликлари эмоционал интеллект натижаларида ўз аксини топмоқда.. Натижаларда умумий қийматларни ёритган сингари ўртacha қиймат нуқтаи назардан эмас, балки интеллектлар орасидаги ички муносабатни корреляцион таҳлилига таянилди.

Тадқиқотимиз давомида суд психолог эксперtlари ижтимоий-психологик компетентлиги омилларини ҳар бири ўзига хос динамикаси ва натижасига эга эканлиги қайд этилди ва бу услугуб, ўз навбатида, ижтимоий психология фанидаги ижтимоий-психологик компетентлик самарадорлигини белгилашда муҳим аҳамият касб этиши табиий.

Суд психолог эксперtlарининг ижтимоий-психологик компетентлигини ривожланишида эмоционал интеллектнинг ўрни бекиёс. Суд психолог эксперtlарининг касбий фаолиятига йўналтирилган талабларнинг ўсиб борганлиги ҳамда ижтимоий тажрибаларнинг шаклланганлигига боғлиқ бўлиши мумкин.

Суд психолог эксперtlарининг ижтимоий-психологик компетентлик омиллари кўрсаткичларининг ошиши бевосита уларнинг касбий фаолиятида тажрибанинг ошиши билан бир каторда ижтимоий кўникма ва малакаларни шаклланиши билан ҳам боғлиқ.

Суд психолог эксперtlари камолотида ижтимоий-психологик компетентликнинг роли фаолият давомийлигининг ошиши билан бир каторда шахс ижтимоийлашувига ҳам боғлиқдир. Умуман, суд психолог эксперtlари шахсий ва касбий фаолияти йўғунлигининг намоён этилишида муҳим аҳамият касб этувчи ижтимоий-психологик компетентликни кўрсаткичларига баҳо беришда, уларнинг адекват мулоқотмандлиги, адекват эмоционал муносабати каби омилларини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва тегишли эмпирик хуносалар чиқариш орқали суд психолог эксперtlари касбий фаолият компетентлигини таминлаш мумкинлиги яна бир бор ўз тасдифини топди.

ИҚТИБОСЛАР

1. Махмудова З.М., Олимов Л.Я. Ўсмирларда экстремал вазиятларда психологик ҳимоя механизмларини шакллантириш. Монография. “Бухоро вилоят босмахонаси МЧЖ” нашриёти. Бухоро. 2021. -Б. 160.
2. Махмудова З.М., Олимов Л.Я. Псіждиагностис. Ўқув қўлланма. “Турон замин зиё” нашриёти. Тошкент 2014. -Б. 298.
3. Олимов Л.Я. Психодиагностика ва психометрика асослари. Дарслик. “Дурдона” нашриёти. Бухоро. 2021. -Б. 747.
4. Олимов Л.Я. Умумий психодиагностика. “Дурдона” нашриёти. Бухоро. 2020. -Б. 1103.
5. Олимов Л.Я., Махмудова З.М.. Психодиагностика ва экспериментал психология. ўқув қўлланма. “Турон замин зиё” нашриёти. Т. 2020. -Б. 820.
6. Олимов Л.Я., Назаров А.М.. Хулқи ўғишган болалар психологияси. Ўқув қўлланма. “Тафаккур авлоди” нашриёти. Бухоро. 2020. -Б. 490.
7. Олимов Л.Я., Баҳронова М.Ў. Ўсмирлар маънавиятини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Ссиэнсэ анд эдусатион. Ссиэнтифис жоурнал. Волуме 3, иссуэ 3. Марч 2022 407-413 п.
8. Олимов Л.Я., М.Б.Расурова. Ўсмир шахси шаклланишида аҳлоқий нормаларнинг ижтимоий психологик аҳамияти. Ссиэнсэ анд эдусатион. Ссиэнтифис жоурнал. Волуме 3, иссуэ 3. Марч 2022 675-683 п.
9. Олимов Л.Я. Социално-психологический подход к исследованию конфликтов. Вестник интегративной психологии.(журнал для психологов). 2019 год, Випуск 19. 379-381 ст.
10. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-атвор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари. Психология. Уредители: Бухарский государственный университет, 31-38.

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, 2-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES
VOLUME-I, ISSUE-2

«Педагогик ва психологик тадқиқотлар»
электрон журнали 2022 йил 22 декабрь
куни № 054834-сонли гувоҳнома билан
оммавий ахборот воситаси сифатида
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти
чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент
шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ,
Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz